



ВАТАНПАРВАРЛИКНИ ТАРБИЯЛАШГА ДОИР ТУРЛИ ПЕДАГОГИК ЁНДАШУВЛАР

Қувондиқов Сардорхон Сидик ўғли

Низомий номидаги

Тошкент давлат педагогика университети доцент в.б

Аннотация. Ушбу мақола бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик ва ватанпарварлик компетенсиясини ривожлантириши мезонлари ва кўрсаткичларидан “Узлюксиз маънавий тарбия консепсияси”ни жорий этишида тарбияланганликни баҳолаш индикаторлари сифатида фойдаланилган. Натижада бўлажак педагогларни талабаларда Ватанга садоқат компетенсиясини шакллантиришига тайёргарлигини ташихис этиши имконияти ошган.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришининг компетенсиявий ёндашувга асосланган интерфаол шакл, метод ва воситаларидан “Тарбия фанини ўқитиши технологияси” қўлланмасини ишлаб чиқишида фойдаланилган.

Мазкур таклифлар бўлажак педагогларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш, уларда фаол фуқаролик позитсиясини ривожлантиришига имкон яратган.

Калит сўзлар: Ватанпарварлик онги, ватанпарварлик дунёқараши, маънавий-ахлоқий, фуқаролик-ватанпарварлик, ҳарбий-ватанпарварлик, спорт ва ватанпарварлик, педагогика, бўлажак ўқитувчилар, тарбиявий фаолият, таълим, тарбия, компетенсия, модернизатсия.

РАЗЛИЧНЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ВОСПИТАНИЮ ПАТРИОТИЗМА

Қувондиқов Сардохон Сидикович

доцент в.б,

Кафедра физического воспитания и спорта

Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами

Аннотация. В данной статье использованы критерии и показатели развития гражданско-патриотической компетентности у будущих учителей в качестве показателей оценки воспитания при внедрении "концепции непрерывного духовного образования". В результате возросла возможность диагностики будущими педагогами у студентов их готовности к формированию компетентности верности Родине.

Интерактивные формы, методы и инструменты, основанные на компетентностном подходе к развитию чувства патриотизма, разработанные в рамках исследования, были использованы при разработке учебного пособия "Технология преподавания педагогических наук".



Эти предложения позволили подготовить будущих педагогов к образовательной деятельности, развить в них активную гражданскую позицию.

Ключевые слова: патриотическое сознание, патриотическое мировоззрение, духовно-нравственное, гражданско-патриотическое, военно-патриотическое, спорт и патриотизм, педагогика, будущие учителя, образовательная деятельность, просвещение, воспитание, компетентность, модернизация.

VARIOUS PEDAGOGICAL APPROACHES TO THE EDUCATION OF PATRIOTISM

Kuvondikov Sardorkhon Sidikovich

Associate Professor,

Department of Physical Education and Sport

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Annotation. This article used the criteria and indicators for the development of civil and patriotic competence in future teachers as indicators of the assessment of upbringing in the introduction of the "concept of continuous spiritual education". As a result, the possibility of diagnosing future educators in students their readiness to form a competence of loyalty to the motherland has increased.

Interactive forms, methods and tools based on a competency approach to the development of a sense of patriotism, developed within the framework of the study, were used in the development of the manual "technology for teaching educational science".

These proposals made it possible to prepare future educators for educational activities, to develop an active civic position in them.

Keywords: patriotic consciousness, patriotic worldview, spiritual-moral, civil-patriotic, military-patriotic, sports and patriotism, pedagogy, future teachers, educational activities, education, upbringing, competence, modernization.

Компетенцияйи ёндашув олий таълим тизимида тарбия мазмунини ва мутахассис тайёргарлигининг сифатини аниқлаш учун кўлланилади, таълимнинг натижавийлиги ва шахснинг ўзаро узвий алоқадор фазилатлари сифатида битирувчи тайёрлиги сифатининг интегративлашган тавсифини очиб беради¹⁷¹.

Айниқса, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида “Мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва гоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб

¹⁷¹ Норбоева С.М. Талабаларда маънавий компетентликни ривожлантиришнинг назарий-педагогик асосларини такомиллаштириш: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори. ... дисс. – Термиз, 2021. – 180 б. – Б.25.



эгалари бўлишлари учун уларда зарур кўникма ва билимларни шакллантириш”¹⁷² вазифасининг белгилаб берилганлигини алоҳида эътироф этиш зарур.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, умумкасбий, касбий, умуммаданий компетенцияларни таркиб топтириш нуқтаи назаридан компетенциявий ёндашув талабалар ҳамда педагогларнинг касбий компетентлиги касбий ва шахсий ўсишининг асоси сифатида талқин қилиниши; умумкасбий компетенцияларни уларнинг маҳсус ташкил этилган тарбия жараёнида муваффақиятли шакллантирилаётган компетенцияларнинг бошқа гурухлари билан ўзаро алоқаси, бир-бирига боғлиқлиги, бир-бирини тўлдириши ва бойитиши орқали аниқланишидир.

Илмий-педагогик адабиётларда “компетенция” ва “компетентлилик” атамалари турлича талқин этилади. Яқин вақтларгача уларнинг мазмуни бўйича иккита нуқтаи назар мавжуд эди, баъзи муаллифлар ушбу атамаларга бир-биридан алоҳида тарзда қарашган бўлса, бошқалари уларни бир хил деб хисоблашган. Бугунги кунда тадқиқотчилар ушбу тушунчалар ўзига хосликка эга бўлиб, уларни фарқлаш зарурлигини таъкидлашмоқда.

Биз “компетентлилик” ва “компетенция” тушунчаларини таърифлашда Н.Муслимов¹⁷³, Б.Ходжаев¹⁷⁴, Ж.Отепбергенов¹⁷⁵[3], И.Зимняя¹⁷⁶[5], О.Яригин¹⁷⁷ларнинг нуқтаи назарларига алоҳида эътибор қаратдик.

Н.Муслимовнинг фикрича инглизча “competence” тушунчасининг луғавий маъноси “қобилият” демакдир, бироқ компетенция атамаси билим, кўникма, маҳорат ва қобилиятни ифода этишга хизмат қиласи; компетентлик талабаларнинг шахсий сифатлари тўплами ҳамда касбий соҳанинг таянч талабларини ўзида ифода этади¹⁷⁸.

Б.Ходжаев компетенция – маълум бир соҳада самарали продуктив фаолият учун зарур бўлган ўқувчининг аввалдан белгиланган таълими тайёргарлигига қўйиладиган ижтимоий талаблар (меъёрлар)дан ҳам ўзиб кетиши; компетентлик эса, таянч, умумий ва фанга доир компетенцияларнинг ўзлаштирилиши, деган холосага келган¹⁷⁹.

Когнитив компетентлик соҳасида илмий изланишларни амалга оширган Ж.Отепбергенов ўзининг илмий тадқиқотида кўпчилик муаллифларнинг фикрларига кўшилган ҳолда умумий, объектив ва маълум бир фаолият турини эгаллаш бўйича

¹⁷² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараккиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 06/20/6108/1483-сон

¹⁷³ Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед.фан.докт. ... дисс. – Тошкент: 2007. – 357 б.

¹⁷⁴ Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Тошкент, 2016. – 314 б.

¹⁷⁵ Отепбергенов Ж.С. Ахборот таълим мухити шароитида талабаларда когнитив компетентликни ривожлантири: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс. – Нукус, 2020. – 167 б.

¹⁷⁶ Зимняя И.А. Общая культура и социально-профессиональная компетентность человека // Профессиональное образование. – 2006. - №2. – С. 18.

¹⁷⁷ Яригин О.Н. Методология формирования компетентности в аналитической деятельности при подготовке научных и научно-педагогических кадров: Диссертация ... доктора педагогических наук. – Тольятти, 2012. – 494 с.

¹⁷⁸ Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед.фан.докт. ... дисс. – Тошкент: 2007. – Б.130.

¹⁷⁹ Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Тошкент, 2016. – Б.79.

шахсий тажриба сифатида “компетенция” ва “компетентлик” категорияларини фарқлаш лозимлигини қайд этиб ўтган. Натижада, компетентлик деганда инсоннинг маълум бир соҳада самарали фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги ва қобилиятини ифода этувчи унинг интегратив шахсий динамик тавсифи тушунилади, деган нуқтаи назарни илгари сурган¹⁸⁰.

И.А.Зимняя компетенциялар деб баъзи ички, потенциал, яширин билимлар, тасаввурлар, ҳаракатлар алгоритмлари, қадриятлар тизимларини ҳисоблайди, улар эса кейинчалик инсоннинг компетентлигига ўзини намоён этади, деган фикрни қайд этиб ўтган. Компетентлик, унинг фикрига кўра, билимларга асосланган долзарб, шакллантирадиган шахсий сифат, инсоннинг интеллектуал ва шахсий белгиланган ижтимоий-касбий тавсифномаси, унинг шахсий сифатидир¹⁸¹.

О.Н.Яригин компетенцияни фаолиятнинг мақсадига эришиш мезонлари билан биргаликда ечилиши керак бўлган бир қатор муаммоларни ўз ичига олади, компетентликни эса бу мотиватсия, интеллектуал қобилияtlар, рефлексия, креативлик ва яширин билимларнинг динамик бирлиги, деб ҳисоблайди¹⁸².

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқкан ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, “компетенция” тушунчасини тавсифлашда кўпинча интилиш, қобилият, тайёрлик тушунчаларига ургу берилади, компетентлик эса, интегратив шахсий сифат ёки сифатлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади.

Энг умумий маънода, компетенцияни ўз билим, малака, тажриба, шахсий сифатларини амалга оширишга интилиш, тайёрлик ва қобилияtlар йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин. Фаолиятда муваффақиятли амалга оширилган компетенциялар маълум бир соҳадаги компетентликни белгилаб беради.

Замонавий тадқиқотларда компетенция ва компетентлик бир-бири билан ўзаро боғлиқлиқда белгиланади ва компетентлик даражаси унинг компетенция талабларига мувофиқлигига боғлиқ, деган қараш мавжуд. Компетенция ижтимоий буюртма, иш берувчилар томонидан қўйиладиган талаблар асосида белгиланади, компетентлик эса ўқув жараёнида шаклланиб, касбий фаолият давомида амалга оширилади ва ривожланиб боради.

Замонавий таълимнинг асосий муаммоларидан бири бу асосий компетенцияларни танлаб олиш бўлиб, улар умумкасбий ва фанга доир гурухларга ажратилади. Замонавий тадқиқотларда асосий компетенцияларнинг психологик-педагогик асосларини ажратиб кўрсатиш, уларнинг мазмуни, хусусиятлари ва таркибий асосларини аниқлаш муаммоларига катта эътибор қаратилади.

Юқорида номлари қайд этиб ўтилган муаллифларнинг “таянч компетенциялар” тушунчасига берган таърифлари мазмунини таҳлил қилиб, уларнинг нуқтаи-назарларидаги умумийликни таъкидлаб ўтган ҳолда қўйидаги хуносага келинди:

¹⁸⁰ Отепбергенов Ж.С. Ахборот таълим мухити шароитида талабаларда когнитив компетентликни ривожлантири: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс. – Нукус, 2020. – Б.20.

¹⁸¹ Зимняя И.А. Общая культура и социально-профессиональная компетентность человека // Профессиональное образование. – 2006. – №2. – С. 18.

¹⁸² Ярыгин О.Н. Методология формирования компетентности в аналитической деятельности при подготовке научных и научно-педагогических кадров: Диссертация ... доктора педагогических наук. – Тольятти, 2012. – 494 с.



таянч компетенциялар – бу умуммаданий, касбий ва фанга доир компетенцияларни муваффакиятли ўзлаштириш, ҳаётый фаолият учун зарур бўлган, билим, малака, кўникма, шахсий сифатлар, дунёқараш ва дунёни идрок этиш тизимида ифодаланган маълум бир муҳим таркибий асослар мажмуидир. Бизнинг тадқиқотларимиз доирасида маънавий фазилат сифатида фуқаролик компетенциясининг таркибий асоси ҳисобланган ватанпарварлик туйғусини тадқиқ этиш муҳим ўрин тутади.

ОТМ талабаларининг фуқаролик компетентлилигини шакллантириш муаммоси В.Г.Журова¹⁸³, А.Акрамов¹⁸⁴, юқори синф ўқувчиларининг фуқаролик компетентлилигини шакллантиришнинг арим масалалари Е.В.Митина¹⁸⁵, В.А.Гладик¹⁸⁶, М.Усмонбоева¹⁸⁷лар томонидан ўрганилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Атаджанова Ш. Оилада ўспирин-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2001. – 136 б.
2. Балагланов А.Р. Патриотическое воспитание младших школьников средствами изобразительного искусства: Автореф. дис. ... канд.пед.наук. – Кострома, 2000. – 27 с.
3. Бейсембаева А.А. Патриотическое воспитание старшеклассников средствами казахского героического эпоса. Канд.пед.наук.....автореф. – Алматы: 2004. – 23 с.
4. Галиахметов И.Р. Патриотическое воспитания школьников и пути его совершенствования. – Казан, 2001. – С.61-62.
5. Горбова М.А. Воспитания патриотизма у старших классников игровыми формами турстко-краеведческой деятельности: Автореф. дис. ... канд.пед.наук. – М., 1999. – 24 с.
6. Ильин И.И. Формирование патриотическое отношений у студентов: Автореф. дис. ... канд.пед.наук. – Тамбов, 2003. – 24 с.
7. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент, Ўзбекистон, 1996. – 139 б.
8. Каган М.С. Гражданское общество как культурная форма социальной системы // Социально-гуманитарные знания. – М., 2000. - №6. – С.49-50.

¹⁸³ Журова В.Г. Становление гражданской компетентности студенческой молодежи в вузе: автореферат диссертации ... кандидата педагогических наук. – М., 2010. – 37 с.

¹⁸⁴ Акрамов А. Шахсга ўйналтирилган таълим технологиялари асосида бўлажак ўқитувчиларнинг фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг ташкилий-методик асосларини такомиллаштириш. – Тошкент: Фан ва технология, 2016. – 185 б.

¹⁸⁵ Митина Е.В. Становление гражданской компетентности старшеклассников в учебном процессе: на материале гуманитарных дисциплин: диссертация ... кандидата педагогических наук. – Тула, 2011. – 277 с.

¹⁸⁶ Гладик В.А. Развитие гражданской компетентности обучающихся старших классов в условиях государственно-общественного управления школой: диссертация ... кандидата педагогических наук. – Москва, 2010. – 320 с.

¹⁸⁷ Усмонбоева М. Умумий ўрга таълим мактаби ўқувчиларининг хуқукий маданиятини шакллантириш (VIII-IX синклар мисолида): Пед.фан.ном.... дисс. – Т., 2000. – 164 б.

9. Калдыбекова А.С. Интернациональное воспитание учащихся в старших классах казахской школе в процессе изучения родной литературы (На материале казахских школ Республики Узбекистан): Дисс. ... канд.пед.наук. – Т., 1993. – 136 с.
10. Караковский В.А. Стать человеком. Общечеловеческие ценности – основа целостного учебно-воспитательного процесса. – М., 1993. – 80 с.
11. Каримбеков С. Военно-патриотическое воспитание учащихся старших классов в процессе преподавания литературы (на материале русской литературы): Дисс.канд.пе.наук. – Т., 1991. – 137 с.
12. Кирьякова А.В. Теория ориентации личности в мире ценностей. – Оренбург: Изд-во «Южный Урал», 1996. – 188 с.
13. Клименко И.М. Формирование патриотизма в процессе обучения истории и внеучебной работы: Автореф. дис. ... канд.пед.наук. – Екатеринбург, 1999. – 22 с.
14. Кривых С.В. Педагогические основы патриотического воспитания младших школьников. – Новокузнецк: Изд. ИПК, 2002. – С.8; С.16.
15. Левина Н.А. Типологические особенности развития чувств патриотизма у младших школьников: Автореф. дис. ...канд.псих.наук. – Тамбов, 2004. – 22 с.
16. Матушкин С.Е, Ипполитова Н.В. Сущность и особенности патриотического воспитания в современных условиях. – Курган, 2001. - №1(7). – С.6.
17. Новые ценности образования: Тезаурус для учителей и школьных психологов. / Под.ред. Н.Б.Крылова. – М., 1995. – 20 с.
18. Педагогические технологии: понятия, принципы и методы внедрения: Сборник материалов из Интернета. / Сост. С.Махкамова. – Ташкент, 2003. – с.65.
19. Педагогический энциклопедический словарь / Гл.ред. Б.М. Бм-Бад. – М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. – 528 с.
20. Рожков М.И. Организация воспитательного процесса в школе. – М.: Гуманит. Изд.центр ВЛАДОС, 2001. – 256 с.
21. Рындак В.Г. Методологические основы образования. – Оренбург, ОГАУ, 2000. – 192 с.
22. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. – М.: Народное образование, 1998. – 256 с.
23. Степанов Е.Н. Педагогу о современных подходах и концепциях воспитания. – М.: ТЦ Сфера, 2002. – 160 с.